

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 28 (10.081)

2004 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ

ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ - АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ



Президент Ислам Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги МАЪРУЗАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИФИЛИШИ

7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодий йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов маъруза килди.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилиш йўли изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилганини таъкидлади. Натижада макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари таъминланиб, ялпи ички маҳсулот 4,4 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиши эса 7,9 фоиз кўпайди. Катъий пул-кредит сиёсати юритилиши туфайли ўртача йиллик пул массаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 10,9 фоиз қисқарди. Инфляция даражаси 2002 йилдаги 21,6 фоиз ўрнига 3,8 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 12,3 фоиз ўсди.

Давоми 5-бетда.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бизнинг бугунги йиғилишимиздан кўзда тутилган мақсад - мамлакатимизнинг 2003 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунларини сарҳисоб қилишдан иборат.

Шу билан бирга, биз ўз фаложиятимизни танқидий баҳолаб, жорий, яъни 2004 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш бўйича олдимизда турган асосий вазифа ва йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Шу мақсадда ўтган йил якунларининг асосий кўрсаткичларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилар эканмиз, куйидаги мулоҳаза ва хулосаларни чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллиги таъминланмоқда.

Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда.

Ўтган йили бу кўрсаткич 4,4 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида 2001 йилдаёқ ислохотлар бошланган 1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишга эришган ягона мамлакатдир.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча муҳим тармоқлари изчил ривожланмоқда. Ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, электротехника саноатида (10 фоиз), машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш соҳасида (30 фоиз), енгил саноат (6,2 фоиз), автомобилсозлик (29,1 фоиз) ҳамда истеъ-

мол моллари ишлаб чиқаришда (8,4 фоиз) ўсиш суръатлари шунинг далилидир.

2003 йили республика ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми амалда бажарилиб, давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 2 фоиз ўрнига 0,4 фоизни ташкил этди.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсати, авваламбор, бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш жараёни иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида даромад солиғи ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, ижтимоий сугурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга камайтирилди, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Давоми 2-бетда.

ХУИ сағоси
Барча маълумотлардан олган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувиининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ушбу ташкилотларнинг 2003 йилдаги фаложияти якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифалари муҳокама қилинди.
• Олмалик кон-металлургия комбинати

бу йил бекободлик металлургия билан биринчилардан бўлиб ҳамкорлик шартномасини имзолади. Ҳужжатга биноан «Ўзметкомбинат»га 2004 йилда 23 минг 430 тонна иккиламчи металл хомашёси етказиб берилди.

• Наманган вилоятидаги «Олтин водий» кўп тармоқли фермер хўжалиги томонидан барпо этилган «Норинкап» қишлоқ гузарига «Тадбиркорбанк» акционерлик-тижорат банки туман бўлими филиали—мини-банк очилди. Янги мини-банк хизматларидан яқин атрофдаги қишлоқлар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар фойдаланмоқда.

• Бухоро вилояти Вобкент туманидаги А.Бобоқулов номидаги ширкат хўжалиги маъмурияти спорт майдончаси барпо этиш учун эллик сотих ер ажратди. Қўлдош қишлоғида бунёд этилган ушбу мақсадда футбол, волейбол, енгил атлетика билан шугулланиш имконияти мавжуд.



Жаҳонда

• БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида 100га яқин мамлакатлар расмийлари ва йирик банклар раҳбарлари иштирокида Либерияни қайта тиклашга бағиш-

ланган анжуман бўлиб ўтди.

• АҚШ Президенти Жорж Буш конгрессдан Афғонистонни қайта тиклаш ишлари учун 1,2 миллиард доллар ажратишни сўради. Ушбу маблағни 2005 йил бюджет лойиҳасидан олиш мўлжалланмоқда.

• Жанубий Корея ва КХДР мамлакатлари ҳукуматлари даражасида ташкил этилган икки томонлама учрашув натижалари бўйича Шимолий ва Жанубий Корея 25 февралда Пекинда Хитой, Россия, АҚШ ва Япония воситачилигида музокаралар ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ

Давоми. Боши 1-бетда.

Буларнинг барчаси солиқ тизимининг янада очик, ошкоралигини таъминлаш ва унификация қилиш имконини бериб қолмасдан, корхоналар зиммасидаги солиқ юкни сезиларли даражада енгиллаштиришга ҳам хизмат қилди.

Белгилаб қўйилган тўловлар даражаси 2002 йилга қиёслаганда, ялли ички маҳсулотга нисбатан 33,2 фоиздан 32,5 фоизга пасайди.

Учинчидан, 2003 йилда қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, пулнинг банкдан ташқарида айланишини ва ялли пул ҳажмини қисқартириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Касса режаларини назорат қилиш сингари эскирган усуллардан воз кечиб, ялли пул массасини бошқарушнинг банк фоиз ставкалари каби бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, замонавий, тез мосланувчан услублари жорий этилган бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Буларнинг барчаси ялли ички маҳсулотга нисбатан ўртача йиллик пул массаси ҳажмини 2002 йилдаги 12,5 фоиздан 10,9 фоизгача камайтириш имконини берди.

Иқтисодий-молиявий, солиқ ва пул-кредит сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган кенг чора-тадбирлар мажмуининг изчил амалга оширилиши туфайли инфляция даражасининг кескин пасайишини, яъни бозордаги нарх-навонинг жиловлаб олинишини объектив қруний натижа, деб қабул қилишимиз даркор. Инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди.

Табиийки, инфляциянинг бу қадр кескин пасайиши, аввало, иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг амалда ўсишига, банк тижорат ставкаларининг пасайишига ва шунга мос равишда иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг жиддий ортишига замин яратди.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 12,3 фоиз, уларнинг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажми 44 фоиз кўпайди, кредитлар бериш, биринчи навбатда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар миқдори 2,3 баробар ортди.

Тўртинчидан, кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилган ишлар, хусусан, бир томондан, қатъий пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши, иккинчи томондан эса алмашув курсларини унификация қилиш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича қўрилган қатъий чоралар биз учун 2003 йилда миллий пулимиз - сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш ва 2003 йилнинг 15 октябрида Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига қўшилиш имконини берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз бунга аввало ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, яъни бунинг учун ташқаридан қарз олмасдан туриб, олтин-валюта захираларимизни нафақат сақлаб қолишга, балки уларни сезиларли даражада кўпайтиришга ҳам эришдик.

Бу иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодиётига интеграция қилиш йўлидаги мураккаб ва оғир, айна пайтда зарур қадам бўлди.

Биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта соҳасида олиб бораётган эркинлаштириш сиёсатимизнинг натижалари ва самарасини бугуннинг ўзидаёқ кўришимиз мумкин.

Хисобот даврида ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 17 фоиздан кўпроқ ошгани ҳам бу фикрни исботлайди.

Шу билан бирга, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми 24,6 фоиз кўпайди. Мамлакатимизнинг тўлов қобилияти мустаҳкамланди, ташқи савдо айланмасида 760 миллион АҚШ доллари миқдорига ижобий сальдога эришилди.

Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри, яъни, ҳукумат қафолатисиз жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2,5 баробар ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ташқи иқтисодий фаолият қўламининг кенгайиши ва ҳажмининг ортини билан бир қаторда, унинг таркибида, бу фаолиятни ташкил этиш тизимининг ўзида чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди.

Бугунги кунда биз жаҳон бозорига фақат анъанавий хомашёлар - пахта, рангли металллар ва бошқа маҳсулотлар чиқариш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Экспорт таркибида тайёр буюмлар, чуқур қайта ишланган, яъни қўшилган қўймати анча юқори бўлган маҳсулотлар тобора катта ўрни эгалламоқда.

Агар мустақилликнинг биринчи йилларида пахта толаси умумий экспорт ҳажмининг 50 фоиздан кўпрогини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 20 фоиздан ортайди.

Айна пайтда пахтадан тайёрланган ип-калага ва газламалар, шунингдек, пластмасса ва кимёвий маҳ-

сулотлар, автомобиллар, хизматлар ва бошқа маҳсулотлар экспорти кескин равишда ўсди.

Импорт таркиби ҳам сифат жиҳатидан анча ўзгарди. Биз асосий этиборни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгиллашга, рақобатга бардошли маҳсулот тайёрлашга йўналтирилган янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратганмиз. Бу ҳаммага яхши маълум.

Шу боисдан ҳам импорт қилинаётган маҳсулотлар орасида машиналар, турли дастгоҳ ва усуналарнинг кўп экани бежиз эмас. Ташқи савдо муносабатларини янада такомиллаштиришда маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулот ва бугловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида ташқи алоқаларнинг жугрофий кўлами сезиларли даражада кенгайди. Иқтисодий ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик муносабатлари анча мустаҳкамланди.

Ҳозирги кунда ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпи ана шундай мамлакатлар хиссасига тўғри келади.

Бешинчидан, хар томонлама пухта ўйланган, фаол олиб борилаётган инвестиция сиёсати иқтисодиётимиздаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлмоқда.

2003 йилда мамлакат иқтисодиётига 2 триллион сўмга яқин, яъни аввалги йилга нисбатан 4,5 фоиз кўп сармоялар киритилгани ҳам бунга яққол кўрсатади.

Бу инвестицияларнинг асосий қисми, ўтган йилларда бўлганидек, Ўзбекистонимизнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашда хал қилувчи роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, шунингдек, ижтимоий соҳа, авваломбор, таълим ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Инвестиция манбаларининг таркиби ҳам ўзгарди - иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида марказлашган сармоялар ҳажмининг камайиб бориши объектив ҳолатга айланди.

Айна вақтда корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг бу борадаги улуши ортиб бормоқда.

Масалан, капитал қўйилмалар таркибидаги бундай сармояларнинг хиссаси 2002 йилга нисбатан 57 фоиздан 63 фоизга ошди.

Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг умумий миқдори 602,3 миллион Америка Қўшма Штатлари долларини ташкил этди. Тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл сармоялари ва кредитлари қарийб 1,6 марта кўпайди.

2003 йилда иқтисодиётимизнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари таъминланди.

Булар қаторига «Шўртан» газконденсат қонида қўрилган компрессор станциясини, Шимолий Ўртабуклок қонида ва Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишга туширилган янги қувватларни киритиш мумкин.

Шунингдек, «Мурунтов» қонидаги қазил ишларини жадаллаштириш лойиҳаси, кўмир саноатини техник қайта жиҳозлаш ишларининг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди.

Самарқанд шаҳрида «Президент-отель» меҳмонхонаси барпо этилди, Тошкент шаҳрида 4 та меҳмонхона мажмуи тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Йил давомида «Бестекс», «Балиқчи текстиль» ва «Ойим текстиль» қўшма корхоналарида ип-калага ва газлама ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди.

Қўқондаги суперфосфат заводини реконструкция қилиш, «Сурхон текстиль», «Ядем текстиль» қўшма корхоналарини ташкил этиш, «Ишон» акциядорлик жамияти ва «Велай-силк» қўшма корхонасини ипак калаваси ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича техник қайта жиҳозлаш ишлари якунланди.

2003 йилда жами 100 миңг ўринга эга бўлган 143 та касб-хуна қоллежлари ва академик лицейлар, кунига 15,5 миңг, шу жумладан, қишлоқ жойларида 14,5 миңг беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди.

Автомобиль ва темир йўл тармоқларини, телекоммуникация тизимини ривожлантириш масалалари доимий этиборимиз марказида турганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, деб биламан.

Хисобот даврида янги Навоий-Учкудук-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўли қуриб битказилиб, йўловчи ва юк ташуш ишлари бошлаб юборилди.

Биз Ҳазорасп туманидаги Тошқоқ кўрғони яқинида Амударё узра бунёд этилаётган улкан темир йўл кўприги қурилишини тугаллаш арафасида турибмиз. Бу иншоотнинг лойиҳа қиймати, ён-атрофидаги

йўллар билан ҳисоблаганда, 33,5 миллиард сўмни ташкил этади.

Мавжуд табиий ресурслар ва фойдали қазилмаларни ўзлаштириш, мамлакатимизнинг шимолий худудларини хар томонлама ривожлантиришда бамисоли қон томири бўлиб хизмат қиладиган бу ноёб иншоотнинг ишга туширилиши қандай катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши тушунасиш.

Жанубий йўналишдаги янги Гўзор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бу йўл Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини ривожлантириш, у ердаги йирик табиий бойликларни ўзлаштириш учун қулай имкониятлар очади.

Айна пайтда ушбу йўл халқаро аҳамиятга эга бўлган, Трансафғон деб ном олган лойиҳани амалга ошириш орқали мамлакатимизнинг жанубдаги жаҳон денгиз коммуникацияларига чиқишини таъминлайдиган янги транспорт йўлаги бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилмоқда.

Юртимизда автомобиль йўллари тармоғини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Биз Қамчиқ довоғида туннеллар қурилиши, умуман янги автомобиль йўллари барпо этиш ва реконструкция қилиш натижасида Шарқ-Фарб, Жануб-Шимол йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг барча худудларини транспорт йўллари билан ўзаро боғлашга эришдик.

Бу эса, ўз навбатида, республикамизнинг вилоят ва туманлари иқтисодиётини комплекс ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради.

Кейинги йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида ҳам катта ютуқлар кўлга киритилди.

Қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг исталган нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди.

Бугунги кунда республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Барчамизга маълумки, аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш даражасини янада такомиллаштириш халқаро Интернет тизимига кенг миқёсда улашиш билан бевосита боғлиқдир.

Бу борада ҳам охириги йилларда ҳавас қилса арзийдиган ўзгаришлар рўй бермоқда. Биргина 2003 йилда Интернетдан фойдаланувчилар сони қарийб икки баравар кўпайди ва бугун ахборот хизматининг ушбу туридан мамлакатимизнинг ярим миллиондан ортқ аҳолиси фойдаланмоқда.

Интернет-клублар ва кафедралар сони ҳам икки баравар ортди.

Азиз дўстлар!

Ўтган йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича олиб борган фаолиятимизнинг асосий якунлари ана шулардан иборат.

Хўш, 2003 йилда ва умуман ўтган йиллар мобайнида иқтисодиётимизни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш борасида орттгирин тажрибамизни таҳлил қилиб, қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Биринчи ва асосий хулоса - эски маъмурий-бўй-руқбозлик, план-тақсирот тизимидан беш тамойилга асосланган эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқича-босқич ўтиш бўйича танлаган моделининг тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Иқтисодиётимизни эркинлаштиришга қаратилган сиёсат, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос шароитида эркин иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойилларига изчил амал қилиш, ҳеч шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

Иккинчи муҳим хулоса - иқтисодиётни фақатгина хомашё ҳисобидан ривожлантиришга қаратилган йўналиш мутлақо ҳаётдир.

Бундай ҳолат худдики наркотик моддага ўрганиб қолган кишининг аҳолини эслатади.

Табиий ва ер ости ресурсларининг камайиб бориши билан бир қаторда уларнинг чексиз эмаслигини ҳам ҳисобга оладиган бўлса, бундай сиёсат охири-охирида иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига, кўп ҳолларда унинг заиф ва мўрт бўлиб қолишига олиб келади.

Бугунги кунда кескин рақобат муҳитида фаолият кўрсата оладиган ва одамларнинг фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган иқтисодиётни барпо этиш учун авваломбор нималарга эътибор бериш керак?

Бунинг учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг мутаносиблиги ва кўп жиҳатдан тўлақонли бўлишини таъминлаш, уни доимий равишда модернизация қилиш ва янгиллаб бориш, ўз маҳсулотлари билан жаҳон иқтисодиёти ва савдо тизимида муносиб ўрин эгаллаб оладиган замонавий тармоқларни жадал ривожлантириш лозим.

Давоми 3-бетда.

МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР - АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Давоми. Боши 1,2-бетларда.

Фақат мана шу тамойиллар асосида қурилган иқтисодийликнинг бу талабга жавоб бера олади.

Учинчи принципиал хулоса - иқтисодийликнинг ислохотлар сиёсий соҳа, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидаги чуқур ислохотлар билан уйғун ҳолда амалга оширилмас, уларнинг муваффақият қозониши қийин.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёни, агар ушбу ислохотлар юқорида айтилган соҳаларда ягона мақсад сари қаратилган муштарак вазифа ва гоюлар билан ўзаро боғлиқ бўлса, муайян босқичда барча ҳаракатларимиз турли мураккаб ва оғир муаммоларга муқаррар равишда тақалиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам ўз олдимиизга қўяётган иқтисодий принципиал мақсад - туб демократик ўзгаришлар ва эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш масаласи бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи вазифалар бўлмоғи даркор.

Тўртинчи хулоса - ислохотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас.

Авалло, барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим - яъни иқтисодийликнинг ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди.

Албатта, бирон-бир босқич аяқланиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янги-янги босқич ва вазифаларни ҳамиша олдимиизга қўйверади.

АҚШ, Германия, Япония каби ривожланган давлатларда ҳам иқтисодий ислохотлар доимий давом этишини кузатишимиз мумкин.

Ахир, ҳаёт тўхтамайди, тараққийёт суръатлари доимий изланишни, бинабарин, ислохотларни талаб қилади.

Агар биз юксак технологиялар, ахборот тизими ва телекоммуникацияларни олиб келиб ҳаётимизга жорий этмасак, қандай қилиб ривожланишга эришиб бўлади?

Бу масала, яъни Ўзбекистоннинг келажаги қандай бўлади, деган савол бизни доимо ўйлантириши, амалий ишларга сафарбар этиши лозим.

Бутун жаҳонимиз, бутун халқимиз, эртага мамлакатимизнинг иқтисодиёти қандай ривож топади, эртага Ватанимизнинг тақдирини нима бўлади ва мен бу ишга қандай ҳисса қўшаман, деган фикр билан яшаса, буни маънавий ҳаётимиздаги ҳақиқий уйғониш фасли, чинакам уйғониш мавсуми, деб атаган бўлардим.

Биз 2004 йилга мўлжалланган устувор йўналишларимизни ана шу принципиал қондалардан келиб чиққан ҳолда аниқ белгилаб олишимиз зарур. Бу, биринчи навбатда, бошланган ислохотларни ривожлантириш, уларни мантиқий ва изчил давом этириш демакдир.

Бу - ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, миллий валютани мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш, ҳўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкни камайтириш, четдан олиб қириладиган сармояларга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи оммилар яратиш демакдир.

Маълумки, 2004 йилда яъни ички маҳсулот ҳажмини 6 фоиз ошириш кўзда тутилмоқда.

Бу ўсиш суръатлари sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ҳисобидан таъминланади. Кичик бизнес ва ҳўсуслик тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга асосий эътибор қаратилади.

Айниқса, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш сиёсати изчил давом этади.

Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёсатидаги ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқдир.

Жорий йилда даромад солигини 18 фоизга тушириш мўлжалланмоқда.

Бу йил ўтган йилда амал қилган ижтимоий ажратмалардан 4,2 фоиз кам бўлган ягона ижтимоий тўлов жорий этилади.

Маҳаллий бюджетлар ролини сезиларли даражада кучайтириш бўйича тегишли чоралар қўрилади. 2004 йилда давлат бюджетни харажатларида маҳаллий бюджетлар улуши 62 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Бу маъмурий ислохотни ўтказиш ва маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кучайтириш билан узвий боғлиқдир.

Хўрматли мажлис иштирокчилари! Шу ўринда иқтисодиётнинг ислоҳ қилишнинг алоҳида устувор йўналишлари ҳусусида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло ҳўсусликларни жараёнлари суръатини янада тезлаштириш, иқтисодиётда ҳўсуслик секторининг кўлами ва ҳажмини ошириш масалалари бўйича ўз мулоҳазаларимизни билдирмоқчиман.

Маълумки, ўтган йили ҳўсусликларни

ҳўқуқий асосини янада мустаҳкамлаш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилди, айтиш мумкинки, расмий ҳўсусликларни реал ҳўсусликларга айлантириш сари амалий қадамлар қўйилди, бу жараённинг механизми тақомиллаштирилди.

Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни сотишнинг самарали механизми, шунингдек, энг яхши бизнес-режаларни тақлиф этган ҳамда зиммасига инвестицион мажбурият олган сармоядорларга объектларни танлов асосида, шароитдан келиб чиққан ҳолда, номига - рамзий нархларда сотиш механизмининг жорий этилиши ҳозирги вақтда ижобий самара бераётганини қайд этиш лозим.

2003 йилда тасдиқланган ҳўсусликларни дастури доирасида 2 минг 15 та объект ва акциялар пакети сотилди, бу эса 2002 йилга қараганда 1,6 марта кўпдир.

Давлат мулкни ҳўсусликларни негизда 980 дан зиёд ҳўсуслик корхона ва мулкчилик шакли давлатга тегишли бўлмаган 400 та бошқа турдаги корхоналар ташкил этилди.

Хўсбот йили давомиди 2002 йилга нисбатан корхоналарнинг активлари 3,5 баробар кўп сотилди. Ҳўсусликларни тушган маблағ ҳажми йил мобайнида 1,3 баробар, шу жумладан, мулкни хоржий инвесторларга сотишдан олинган маблағлар миқдори 3,4 баробарга ортди.

Айни пайтда давлат активларини сотиш бўйича белгиланган топшириқлар қатар етакчи тармоқларда, жумладан, «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси, «Ўзэлтехсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари, «Ўзқишлоқҳўжаликмасҳолдинг» компанияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан бажарилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Жиззах ва Тошкент вилоятларида ҳам ҳўсусликларни бўйича қабул қилинган дастур талабларининг ижроси таъминланганини қайд этиш лозим.

Бунга мазкур тармоқ ва худудларда белгиланган вазифаларни бажариш механизми тўлиқ ишга солинмагани асосий сабаб бўлмоқда.

Акция пакетларини номига - рамзий нархларда сотишда, айтиш кераки, ортиқча эҳтиёткорлик қилинмоқда.

Давлат мулкни қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга бир ой муддат ичида 2004 йилда ана шу асосда сотиладиган корхоналар ва объектларнинг қўшимча рўйхатини танқидий нуқтаи назардан яна бир бор қўриб чиқиш, тасдиқлаш учун тақдим этиши ва унинг ижроси устидан қатъий мониторинг ўрнатиши зарур.

Бугун таассуф билан айтиш кераки, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш масаласига маъсулиятсизлик билан юзани бандиши ҳўлатларига амалда ҳамон барҳам берилмапти. Бу борада эскирган қарашлар ҳали-ҳануз сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман.

2002 йилни 38 та ҳиссадорлик жамияти зарар билан аяқланиб бўлиб, уларнинг аксарияти аввало «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» ва «Ўздонмаҳсулот» тизимида тегишлидир.

Лекин ана шу жамиятлар ҳиссадорларининг умумий йўғилишларида уларнинг ижрочи раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу масалда акциядорлар ва биринчи галда Давлат мулкни қўмитасининг принципиал позицияси қани, деган ҳақли савол туғилади.

Қўллаб ақциядорлик компанияларида давлат акциялари пакети мултолақ эгасиз қолмоқда, улар учун амалда ҳеч қим жавоб бермапти. Бундай ҳўлат билан асло мурося қилиб бўлмайди.

Яна бир муҳим муаммо. Ҳўсусликларни жараёни қачон аниқ мазмун ва кўринишга эга бўлади?

Тақрор ва тақрор айтишга тўғри келади: қачонки қимматли қўрозларнинг иқкимаҷи бозори тўла ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса, аҳолида ақциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилиш туғилса, ақцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қўроз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қўрозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина, бунга эришиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумийиқтисодиёт комплекси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулкни қўмитаси билан биргаликда бу борадаги барча муаммоларни ҳал қилиш бўйича зарур тақлифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларга яна бир бор эътиборини қаратмоқчиман.

Қурилишда ҳали-бери пудрат ва лойиҳа ишларининг самарали бозори яратилмапти. Тўлиқ ҳўсусликларни мўлжалланган 11 та лойиҳа-қидирув ташкилотидан ҳозирга қадар фақат 4 тасининг ақциялар пакети сотилган, ҳолос.

Пудрат ишлари бозорида бажарилган жами ишлар ҳажмида нодавлат қурилиш ташкилотларининг

улуши 60 фоизни ташкил этиши қоникарли ҳўлат эмас, албатта.

Бу соҳада 2004 йилда бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар қўйидагилардан иборат.

Биринчидан, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор пудратчи қурилиш ташкилотларини ҳўсусликларни ва тугатиш жараёнини тўлиқ аяқлаш, лойиҳа ташкилотларини давлат тасаруфидан чиқариш, пудрат ва лойиҳа ишларининг том маънодаги бозорини яратиш.

Иккинчидан, қурилиш ва лойиҳа ишларига доир буортмаларни бажариш бўйича танлов, тендер савдолари ўтказиш сифатини ошириш, бу масалада турли маъмурий аралашувларга чек қўйиш.

Учинчидан, қурилишда лойиҳа, смета ва технология интизомини мустаҳкамлаш асосида чора-тадбирларни қўриш. Бунинг учун капитал қурилишнинг ҳисоб-китоб ва меъёрий-смета базасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта қўриб чиқиш ва янгилаш даркор.

Бунда, бир томондан, қурилиш сифатини қўтариш, иккинчи томондан эса қурилиш смета қийматининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик, жойларда ягона бюджет буортмачиси хизматини жорий этишни тўғаллаш кўзда тутилмоқда.

Тўртинчидан, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк қурилишни бошидан охиригача бажарадиган, яъни объектни тўла қуриб, калитини топширадиган пудрат ташкилотларини кредитлаш бўйича бозор механизмининг ишлаб чиқиши ва жорий этиши зарур.

Бешинчидан, мамлакатимиз корхоналарида юқори технологик қурилиш-пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган янги дастурни ишлаб чиқиш ва унинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш лозим.

Бу вазифаларнинг бажарилишини Ҳўкумат ўзининг қатъий назоратида олиши даркор.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун сизлар билан қўриб чиқишимиз лозим бўлган яна бир муҳим масала - бу фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масаласидир.

Нафақат қишлоқ ҳўжалиги, керак бўлса, бутун иқтисодиётимизнинг келажаги мана шу вазифанин қандай ҳал этилишига боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш бўйича етарли даражада қонун ҳўжатлари, фермонлар ва ҳўкумат қарорлари қабул қилинган, бошқача айтганда, зарур ҳўқуқий асослар яратилган, бу борада озми-кўпми амалий тажриба эга бўлмоқдамиз.

Бугун республикамизда 87,5 минг фермер ҳўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 603 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Сўнгги уч йилнинг ўзида зарар қўриб ишлаган 336 та ширкат ҳўжалиги ўрнида 20 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликлари тузилди. 12 та тумандаги барча ширкат ҳўжаликлари тўлиқ фермер ҳўжаликларига айлантирилди.

Ҳозирги вақтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 14 фоизи фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Этиштирилаётган жами галла ва пахта ҳўсилининг учдан бир қисми фермерлар меҳнатининг маҳсулидир.

Фермер ҳўжаликларига хизмат кўрсатиш учун жойларда 257 та муқобил машина-трактор парк, 136 та минерал ўғит ва 138 та ёқилги-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари, 118 та мини банк ишлаб турибди.

Фермер ҳўжаликлари фаолиятининг таҳлили ва 2003 йил аяқланиш шундан далолат берадики, бу ҳўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ширкатларга қараганда анча юқори бўлмоқда.

Фермер ҳўжаликларида барча қишлоқ ҳўжалик экинларининг ҳўсилдорлиги бандан, пахтачилик ва галлачилик бўйича рентабеллик эса ошиб бормоқда.

Уларда минерал ўғитлар ҳам, ёқилги ҳам тежамкорлик билан, оқилона ишлатилади, ширкат ҳўжаликларига қиёсланганда моддий ресурслар гектарига ўртача икки марта кам сарфланади.

Мана шу оммилардан келиб чиққан ҳўлда, бизнинг фермерлик ҳаракатида устувор аҳамият бераётганимиз беҳиз эмас, албатта. Келгусида фермер қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асосий ҳўжалик субъектига айланиши лозим.

Бу муҳим вазифа 2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликлари ривожлантириш Концепциясида, шунингдек, зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат ҳўжаликлари фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича қабул қилинган аниқ Дастурда ўз ифодасини топганини барчангиз яхши биласиз.

Ушбу стратегик масалани ҳал этиш юзасидан бошланган ишларимизни танқидий баҳолаган ҳўлда, мен

Давоми 4-бетда.

ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ

Давоми. Боши 1,2,3-бетларда.

бир қатор жиддий мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Биринчидан, биз жуда муҳим эътибор қаратишимиз зарур бўлган масала - бу шартнома интизомининг ўта қониксарсиз аҳоли билан боғлиқ. Бу тўғрида кўплаб мисолларни олиб келиш қийин эмас.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида фермерларнинг ҳуқуқлари камситилаётгани, тайёрлов ташкилотларининг етказиб берилган маҳсулот учун фермерлар билан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятларини кўпол равишда бузаётгани, таъминотчилар шартномада кўрсатилган ҳажмларда фермерларга минерал ўғитлар ва ёқилги-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бермаётгани тўғрисида аниқ фактларни истаганча топиш мумкин.

Қатор туманларда фермер ҳўжалиқлари янги ҳисобидан аванс тариқасида тўғридан-тўғри кредитлар бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

Бироқ, бу борада ҳозирнинг ўзида анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Кредит олишда гаровга қўйиш механизми охиригача пухта ишлаб чиқилмаган. Кўп ҳолларда фермерлар мансабдор шахсларнинг лоқайдлигига, бюрократик тўсиқлар ва таъмагирлик ҳолатларига дуч келмоқда.

Адлия вазирлиги бу масалани алоҳида назорат остига олиши ва айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чораларни кўриши даркор. Буларнинг ҳаммаси хизмат вазифини бажаришдаги лоқайдлик деб эмас, балки фермерлик гоёсига пугур етказиш ва уни обрўсизлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар, деб баҳолашни керак.

Иккинчидан - фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш борасида шакланган тизим ҳам жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Агар ёдингизда бўлса, дастлабки фермер ҳўжалиқлари кўпроқ чорвачилик соҳасида ташкил этилган эди.

Шундай савол туғилади: ҳўш, бугун нима учун чорва молларининг бош сони ва етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг атиги икки фоизи фермер ҳўжалиқлари улушига тўғри келмоқда?

Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳалигача ишлаб чиқарилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг самарали тизими яратилмаган.

Биз бунинг оқибатида қанчадан-қанча зарар кўраётганимизни биронта одам ҳисоб-китоб қилганими ўзи? Бу муаммо фақатгина фермер ҳўжалиқларига тегишли эмас.

Бугунги кунда сут, гўшт ва тухум, мева-сабзавот, картошка каби маҳсулотларнинг асосий қисмини етиштираётган деҳқон ҳўжалиқлари ҳам бундан азият чекмоқда. Ўз маҳсулотини сотиш муаммосига ҳусулий мулкка айланган фермерларнинг ва балиқчилик ҳўжалиқлари ҳам дуч келмоқда.

Ҳалигача қишлоқда, бир томондан, фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотларни шартномавий нархларда сотиб оладиган, иккинчи томондан, қишлоқ аҳолига зарур товарлар, асбоб-ускуна ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган.

Бу масалани ҳал этишда Деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг роли умуман сезилмапти. Айтиш керак, мазкур уюшманинг фаолияти бўйича жиддий эътирозлар бор - у асосан расмиятчилик билан банд, кимнинг қандай манфаатларини ҳимоя қилаётгани ҳам аниқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасига, шахсан Бош вазирга барча манфаатдор идораларни жалб этган ҳолда, қисқа муддатда бу масалалар бўйича мавжуд аҳолини батафсил ўрганиб чиқиш ва уни тубдан яхшилашга доир аниқ тақдирлар киритиш вазифаси топширилсин.

Учинчидан - очик айтиш керакки, бугун фермер бўлишни истайдиган одамлар жуда кўп. Аммо, ҳар ким ҳам ҳақиқий фермер бўлолмайди, десам, ўйламанки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Ҳозирги кунда, фермер деганда, биз қандай одамни кўз олдимишга келтирамиз?

Фермер дегани - бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон. Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ хунар ҳам оз.

У бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса, механизаторлик ва механиклик ҳам қилади, табелчи ва иқтисодчи, банкир ва бухгалтер, таъминотчи вазибаларини ҳам бажаради. Шу билан бирга, у ўз маҳсулотини сотиш масалалари билан шуғулланиши лозим.

Кўриб турганимиздек, амалда фермердан зарур қўниқма ва билимга эга бўлишни талаб қилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ.

Шу сабабли фермер бўлишни истайдиган одамлар ўртасида танлов ўтказиш, уларга ер ажратишда, янги фермер ҳўжалиқларини рўйхатга олишда бу ишнинг ҳамма томонларини ҳисобга олиб, ўта масъулият билан ёндашиш даркор.

Шу билан бир қаторда, фермерларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш бўйича бизнес мактаблар тармоғини кенгайтириш зарур.

Мен ҳокимлар ва бу соҳага алоқадор бўлган барча раҳбарларни огоҳлантириб қўймоқчиман - фермер ҳўжалиқларини шакллантириш масаласига жиддий қараш, масъулият ва катта меҳнат талаб қиладиган бу ишни кампаниябозликка айланттириб юбормаслик керак.

Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ ҳўжалигига тегишли яна бир касалликка эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бу кўзбўямачилик. Имкон қадар ҳақиқий аҳолини кўрмаслик, кўрса ҳам тан олмаслик, вазиятни юмшатиб, безатиб кўрсатиш, оғир масала ва муаммолардан ўзини озқилиб юриш ҳолатлари, минг афсуски, жойлардаги кўпгина ҳоким ва амалдорларимиз фаолиятида одат бўлиб қолган.

Кўп йиллик кузатишлар шунини кўрсатадики, улар ҳар йили мавсум бошланиши билан йўл қўйилган кўпол ҳосил ва ўзбошимчалик, бепарволик, оғир оқибатларга олиб келадиган нуқсонларни яшириб, мавсум якунланиши билан, аввало, ҳар хил табиий ва иқлим инжиқлигини, ўз вақтида кимдир маблағ, кредит, ёқилги, ўғит ажратмагани, қўмак бермагани ва шунга ўшаган сабабларни никоҳ қилиб оладилар.

Бундай ҳолатлар нафақат ҳосил етиштиришда, қурилиш, ижтимоий муаммолар, ободончилик масалалари, аҳолининг кўпгина дарду ташвишларини ечишда ҳам яққол сезилиб туради.

Тошкент вилояти халқ депутатлари кенгашининг охириги сессиясида бундай номаъқул ҳолатлар ҳақида батафсил гаплашиб, муҳокама қилиб олдик.

Ўйлайманки, раҳбар курсидада ўтирган ақли, инсофи бор, ор-номусли одамлар бундай гаплардан тўғри хулоса чиқариб олади.

Ўтган йили бошланган ва 2004 йилда манткий якунига етказишимиз лозим бўлган энг муҳим йўналишлардан яна бири - маъмурий ислохотни амалга оширишдан иборат.

Хабарингиз бор, бу ислохотнинг асосий мақсад ва маъно-маъзунини белгилаб берадиган қатор фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ислохот доирасида бошқарув аппаратидаги ходимлар сони 40 минг штат биригига ёки 22 фоизга қисқартирилмоқда. Ва бу ишни албатта охирига етказишимиз даркор.

Маъмурий ислохот бўйича республика комиссияси (Азимов) барча манфаатдор вазирлиқлар, идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда бу ишни пухта ташкил этиши ва биринчи чорак якунлари бўйича қилинган ишлар тўғрисида ахборот бериши лозим.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, айрим вазирлиқлар, идора ва ҳудудларда маъмурий ислохотни, бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмасдан, фақатгина ходимлар сонини шунчаки қисқартиришдан иборат, деб юзак қабул қилмоқдалар.

Биринчи навбатда турли даражадаги бошқарув тузилмалари эски маъмурий бўйруқбозлик, тақсимлаш тизимига ҳос, ўз умрини ўтаб бўлган вазибалардан халос бўлиши зарур.

Ўз-ўзидан аёнки, агар бу вазибалар бўлмаса, уларни бажарадиган амалдорлар ҳам ҳожат қолмайди. Бундай амалдорларнинг ўзи ҳам эндиликда уларнинг даври ўтганини, бугун бошқарувнинг янги ёндашувлари, услуб ва воситалари талаб этилаётганини тушуниб етати.

Бундан буён тепадан туриб дўк-пўписа қилиш, маъмурий таъйик ўтказиш ва ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилиш, давлат ресурсларини кимга хохла-сан, шунга бераман қабилида иш олиб бориш ҳуқуқи ўрнини замонавий бозор механизмлари, иқтисодий таъсир ва рағбатлантириш омиллари эгаллаши даркор.

Маъмурий ислохотни амалга оширишнинг энг муҳим вазифаси - бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган, моддий ресурсларни турли квоталар, лимит ва кўрсатмалар асосида марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш тизимига бутунлай барҳам беришдир.

Ҳозирги кунда бу борада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Тармоқлар бўйича ҳам, ҳудудлар бўйича ҳам бошқарув тизимининг кўплаб ортиқча бўғинлари тугатилди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган статистик ҳисоботлар сони кескин қисқартирилди. Бу кўрсаткич қишлоқ ҳўжалигида 63 фоизни, саноатда эса ўртача 33 фоизни ташкил этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қуни кеча қабул қилинган қарорига биноан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим товарларни истисно қилганда, ҳар хил квоталар, лимитлар асосида товар ва моддий-ҳомаш ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ўзи тўлиқ бекор қилинади.

Бу қоида, жумладан, пахта толаси, ёқилги ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимлик ёғи, ун, шаккар каби ўта муҳим ва харидордир товарларга нисбатан ҳам жорий этилади.

Буларнинг барчаси бозор тамойилларига тўлиқ мос равишда, товар-ҳомашё биржалари, кимосиди

савдолари, ярмарка ва бошқа тузилмалар орқали амалга оширилади.

Бу эса, ўз навбатида, товар-ҳомашё биржалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда муайян ҳомашё ресурсларини биржадан кўра очик бозордан сотиб олиш осон ва арзонга тушади.

Одамда шундай таассурот туғиладики, на Давлат мулки кўмитаси, на товар-ҳомашё биржаларининг раҳбар ва ходимлари биржалар фаолияти самарадорлигини оширишдан, бошқача айтганда, ўзларининг меҳнат натижасидан манфаатдор эмасга ўшайди.

Шунинг оқибатида бу биржалар олди-сотида ишларини фақат расмиятчилик учун амалга оширадиган, ҳўжақўрсинга ишлайдиган идораларга айланиб қолмоқда.

Айнан шу сабабдан товар-ҳомашё биржаларида товарларнинг айланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Масалан, 2003 йилда бу кўрсаткич бирмунча қисқариб, 450 миллиард сўмни ёки жами улгурчи товар айланишининг 18 фоизини ташкил этди, холос.

Ишлаб чиқариш ва техник мақсадларда қўлландиган маҳсулотларнинг товарлар айланишидаги улуши 10 фоиздан ошмайди.

Биржа ходимларининг профессионал малакаси пастлиги, бу ҳол айниқса минтакаларда талаб даражасида эмаслигини афсус билан қайд этиш лозим.

Товар биржаларининг бундай қониксарсиз фаолияти турли олибсотар чақонлар учун қўл келмоқда, товарларнинг биржадан ташқарида хуфёна айланиши, нархларнинг сунъий равишда қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бош вазир (Мирзиёев), Умуиктисодиёт комплекси (Азимов) барча манфаатдор тузилмалар билан биргаликда биржа савдосидаги ишларнинг аҳолини атрофлича, синчиклаб кўриб чиқсин ва товар-ҳомашё биржалари фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган аниқ тақдирлар киритсин.

Хурматли мажлис иштирокчилари! Иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг шаклландирилган бозор мезонларига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармоқ ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олишимиз зарур.

Бу борада бизда ҳали ишга туширилмаган катта имкониятлар мавжуд. Буни айниқса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожининг орқанда қолаётганида кўришимиз мумкин.

Ўзингиз таққослаб кўринг, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий топган мамлакатларнинг ялли ички маҳсулоти таркибиде, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 фоизга, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич улардан деярли икки баробар кам бўлиб, 40 фоизни ташкил этади.

Эътиборингизни ушбу масаланинг яна бир жиҳатига қаратмоқчиман. Илгор мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, хизмат кўрсатиш тармоғи иқтисодиётнинг энг тез ривожланадиган соҳаси бўлиб, айнан шу соҳа ортиқча ишчи кўчаларининг катта қисмини ўзига жалб этиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида иш билан банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилади. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этади. Бизда бу рақам ҳозирча 35-40 фоиздан ошгани йўқ. Бу масалада биз сезиларли даражада орқанда қолмоқдамиз.

Шу ўринда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси шаҳардагига нисбатан қишлоқ жойларида икки баравар паст эканини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйламан.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг оқсоқ бўлиб турганини қуйидаги мисолдан ҳам билса бўлади. Бугунги кунда аҳоли харажатларининг катта қисми истеъмол товарларига тўғри келади.

Хизматлар учун эса бу харажатларнинг бор-йўғи 12 фоизи сарфланмоқда. Холбуки, Америка Қўшма Штатлари ва Япония давлатларида оила бюджетиде бу кўрсаткич қарийб 60 фоизни, Франция, Буюк Британия ва Германияда эса 50 фоизни ташкил этади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, хоржий мамлакатлар тажрибаси ҳам шундан далолат беради, хизмат кўрсатиш соҳасида хотин-қизлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами - ноғиронлар, пенсияонерлар, етарли иш тажрибасига эга бўлмаган ёшлар меҳнати кенг қўлланади.

Бу, аввало, иш жадвалининг қулайлиги, иш кунининг тўлиқ эмаслиги, мавсумийлиги, касаначилик имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Бизда сартарошлик, кийим-кечак, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, савдо, умумий овқатланиш каби аънавий хизмат кўрсатиш турлари билан бир қаторда

Давоми 5-бетда.

МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР - АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Охири. Боши 1,2,3,4-бетларда.

Бу борадаги янги, истикболли йўналишлар - мисол учун, туризм, меҳмонхона ҳўжалиги, уй-ой куриш ҳамда таъмирлаш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун беқийёс имкониятлар бор.

Сўнги йилларда хонадонларимизда мураккаб маиший техника, компьютер, шахсий транспорт воситалари кўпайиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса ўз навбатида уларга малакали хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш учун шароит яратди.

Таълим ва маданият соҳасида, диагностика ва даволаш, жисмоний тарбия, дам олишни ташкил этиш борасида ҳам фаолият юритиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Айтиш керакки, банк-молия соҳаси, сугурта ва лизинг фаолиятининг маслаҳат ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш бўйича бозори ҳам эндигина шаклланимоқда.

Энг муҳими, иқтисодийнинг ушбу тармоғи ўзининг ривожланиши учун катта капитал маблағ талаб этмайди ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ниҳоятда мақбул ва қулайдир.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумийқисодиёт комплексига икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш бўйича дастур тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритиш вазифаси топширилсин.

Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан яна бири - бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир.

Сўнги пайтда бу йўналишда ўта муҳим қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш таъминлари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва энгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилди.

Хусусий қорхона тўғрисидаги қоидалар қонун нуқтаи назаридан мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланди ва соддалаштирилди.

Ҳозирги вақтда бу ишни битта идорада, таъбир жоиз бўлса, «битта дарича»нинг ўзида тўла амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бунда тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш билан бир вақтнинг ўзида унинг муҳандислик тармоқларига улаштиришга рухсат берувчи ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилади, солиқ ва статистика органларида ҳисобдан ўтиш масаласи ҳам ҳал этилади.

Бугунги кунда рўйхатга олиш ва расмийлаштириш жараёни етти кундан бир ойгача бўлган муддат ичида бажарилиши шарт.

Айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес қорхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу қорхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1999 йилда 29,1 фоизга тенг эди.

Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингга янги иш ўрни ташкил этилди.

Биз Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани ечишни кўзда тутамиз.

Биринчи масала - яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш.

Иккинчи масала - бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим.

Доимий диққат марказимизда туриши керак бўлган учинчи масала - мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат.

Хурматли дўстлар!

Шуни очик тан олишимиз керакки, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати ва биринчи навбатда уларнинг моддий базаси бизни мутлақо қониқтирмайди.

Ҳозирги кунда мактабларда 6 миллион 200 минг нафар фарзандларимиз таълим олмоқда.

Мавжуд 9 минг 700 та умумтаълим мактабининг ҳар учтадан биттаси ўқув стандартлари талабларига жавоб бермайдиган мослаштирилган биноларда жойлашгани, 88 та мактаб эса айниқса ноқор ҳолатда экани барчамизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Айрим мактабларда болалар икки, ҳатто уч сменада ўқимоқда. Ҳозирги пайтда мактабларнинг ярмидан кўпи компьютерлар билан жиҳозланган ва фақат 141 та мактаб Интернет тизимига уланган.

Мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Буни ўқитувчиларнинг 30 фоиздан ортиғи олий маълумотга эга эмаслиги ҳам кўрсатиб турибди.

Қатор фанлар, айниқса, чет тили ва бошланғич таълим, химия ва физика, жисмоний тарбия фанлари бўйича ўқитувчилар етишмайди. Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш масалалари ҳам жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Барчамиз шуни ёдда тутишимиз керакки, мактабни битирган фарзандларимиз эртага янги

турдаги ўқув масканлари бўлмиш лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёрлик билан келишлари зарур.

Мен мактаблар масаласи ҳақида илгари ҳам кўп гапирганман. Бу муаммонинг бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун нақадар муҳимлигини инобатга олиб, бу борада кескин қарорлар кўриш вақти етди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги биринчи қорак яқунлари бўйича йиғилишида умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайман.

Бу масала бўйича 2004-2008 йилларга мўлжалланган махсус дастур тайёрлаш ва уни бажариш учун тегишли имкониятларни қидириб топиш лозим.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун нафақат бюджет маблағларини, балки ҳомий ташкилотлар, бу муҳим вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англайдиган барча инсонларнинг куч ва имкониятларини жалб этишимиз даркор.

Қадри дўстлар!

2004 йил юртимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу борада Ҳукуматимиз томонидан йил давомида амалга ошириладиган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ишларнинг комплекс дастури қабул қилинди.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, давлат ва нодавлат идоралари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ушбу дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари лозим.

Бу борадаги энг асосий вазифа - жамоатчилигимиз, одамларимизда, аввало, ёшларимиз қалбида меҳр ва мурувват туйғусини янада юксалтиришдан иборат. Жамиятнинг кўмағига муҳтож бўлган ҳар бир инсон ва оилага, биринчи навбатда, ногиронлар, ёлғиз қарияларга, боқувчисини йўқотган одамларга ҳар томонлама ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким жамиятимизда ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Халқимизга хос бўлган меҳрибонлик, бағрикенглик, каттага ҳурмат, кичикларга иззат каби эзгу фазилатларни асло унутмаслигимиз, уларни нафақат асраб-авайлаш, балки кундалик амалий ишларимиз билан бойитиб ва мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Бундай олижаноб мақсад ва муддаоларимизга эришиш йўлида барчангизга куч-қувват, ғайрат-шижоат, сиҳат-саломатлик, ишларингизга омадлар тилаб қоламан.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Охири. Боши 1-бетда.

Алмаштириш курсларини бир-хиллаштириш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш борасида олиб борилган изчил чора-тадбирлар жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ва Халқаро валюта жамғармаси Битимининг VIII моддасига қўшилиш имконини берди.

Узоқни кўзлаб сиёсат юритиш натижасида ташқи иқтисодий фаолият ҳам бирмунча фаоллашди. Жумладан, ташқи савдо айланмаси ҳамми 17,3 фоиз, экспорт ҳамми 24,6 фоиз ўсиб, ташқи савдо айланмасида 760 миллион АҚШ долларидан ортқ микдорда ижобий сальдога эришилди.

Мамлакат иқтисодийига жалб этилган инвестициялар ҳамми қарийб 2 триллион сўмга етди. Бу эса 2002 йилгига қараганда 4,5 фоиз кўп демакдир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик тадриҳий ривожланди.

Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 35,5 фоизга етди. Бугунги кунда бундай қорхоналарда ишлаётганлар иқтисодиётда банд бўлганларнинг 57 фоиздан кўпроғини ташкил қиладди.

Президентимиз йиғилганлар эътиборини иқтисодий тармоқларида ва ижтимоий соҳадаги ҳал этилмаётган, ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим муаммоларга қаратди.

Иқтисодийтни ислоҳ қилишга доир қўйилган вазифаларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг тўлиқ мантиқий якунини топмапти. Айниқса, қорхоналарни хусусийлаштириш топшириқларининг бажарилишида ҳамон бир томонлама ва юзаки ёндашув кузатилмоқда. Акцияларнинг давлат пакетларини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш ишлари суст бормоқда. Акциялар пакетларини инвестициялар мажбуриятлари остида текин беришда ортқча эҳтиёткорлик кўзга таш-

ланмоқда.

Капитал қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муайян нуқсонлар мавжуд.

Мажлисида қишлоқ ҳўжалигидаги ислоҳотлар, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш, шартнома интизоми, ҳўжалик бошқарувидаги маъмуриятчилик масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Ислол Каримов фермер ва дехқон ҳўжаликлари томонидан етиштирилаётган маҳсулотларни қабул қилиб олишининг таъсирчан тизими яратилмаганини, ҳўжалик бошқарувида хомашё ва материаллар асосий турларини тақсимлашда маъмуриятчилик ҳамон сақланиб қолаётганини, қишлоқда шартнома интизоми пастлигини танқид қилди. Бундай муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, Меҳр ва мурувват йили ва бошқа давлат дастурларини изчил амалга ошириш, бошқ-

арув тузилмаси ва тизимини тубдан ўзгартириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили барча жабҳаларда эришилган ютуқлар халқимизнинг фидокорона меҳнати маҳсули экани ва Президентимиз раҳбарлигида танланган йўлимиз нечоғли тўғрилигидан далолат бериши алоҳида таъкидланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири А.Жўраев, «Ўзбекингилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси А.Баҳромов, «Файз» холдинг компанияси раиси М.Азимова, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлари А.Отабоев, Р.Ҳайдаров сўзга чиқди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

Маълим

**ШЕЪРИЯТ
ГУЛТОЖИ**

Буюк аллома, шеърият гулшанида кўплаб сара газаллар, рубоийлар, туюқлар, дostonлар яратиб неча юз йилдирки, эл ардоғида эъзозланиб келаятган ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллиги муносабати билан юртимиздаги олий ўқув юртлирида тадбирлар, хотира кечалари ўтказилмоқда.

Куни кеча Автомобиль йўллари институтида «Шеъриятнинг гултожи» деб номланган бадий кеча бўлиб ўтди. Институт ректори Сарвар Қодиров буюк аллома ҳаёти, ижодида оид дил сўзлари билан кечани очиб берди.

Талабалар Алишер Навоийнинг «Хайрат ул-аброр» «Сади Искандарий» дostonларни асосида тайёрланган сахна кўринишларини завқ билан ижро этдилар ҳамда газал ва рубоийлардан парчалар ёд олишди.

НАЗМ ГУЛШАНИ
Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Назм ва наво» деб аталган байрам тадбири ҳам, буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудига бағишланди.

Бадий-муסיқий кечада эл севган ҳофизлар Турғун Алимов, Махмуд Отажонов, Салоҳиддин Азизбоев, «Мақомчилар» ансамбли ва институт талабалари концерт дастурларини намойиш этдилар.

Кечада Навоий газаллари билан айtilадиغان кўшиқлар ижро этилди.

**ҚИЗИҚАРЛИ
КЕЧА**

Абдулла Қодирий номидаги маданият институтида Навоийхонлик кечаси ўтказилди.

Унда филология фанлари доктори, профессор С.Мирвалиев, фан номзоди доцент Р.Жамановлар шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб бердилар.

Халқ бадий ижодиёти факультети талабалари эса шоирнинг асарларидан сахна кўринишлари ижро этдилар.

**БИЛИМЛАРИНИ
НАМОЙИШ
ЭТДИЛАР**

Алишер Навоий номидаги нафис санъат музейида ташкил этилган беллашув ҳам ана шу кутлуғ сана муносабати билан ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей ўқувчилари ўз билимларини намойиш қилдилар.

Буюк мутафаккир асарларидан таркиб толган сахнавий кўринишлар, баҳру байт, савол ва жавобдан иборат 3 та шарт бўйича ўтказилган маъруза беллашувда Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей ўқувчилари голиб деб топилди, совғалар билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА

Лекин бу «Камолот» ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг барчасини амалга оширишга эришти дегани эмас. Ютуқлар қаторида эътибордан, назардан четда қолган муаммолар, ижроси амалга оширилмаган вазифалар ҳам турибди. Куни кеча «Камолот» ЁИХи Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгашининг ўтган 2,5 йил вақт ичидаги умумий фаолияти юзасидан ҳисоботи ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги вазифаларни белгилашга бағишланган анжуманда юқоридаги фикрлар ечими кўриб чиқилди. Аввало «Камолот» ЁИХи Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши раиси Бунёд Йўлдошевнинг ўз олдига ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитни яратиб беришни мақсад қилган туман «Камолот» ЁИХининг ўтган вақт ичида амалга оширган ишлари, ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

— «Камолот» ЁИХи аъзолари бугунги кунда халқ ҳўжалигининг турли жаҳдаларида филокорона меҳнат қилмоқдалар, қатор ўқув муассасаларида чуқур билим олмақдалар, — деди жумладан ўз маърузасида Бунёд Йўлдошев. — Ватанимизда амалга оширилаятган ислохотлар ва бунёдкорлик юмушларида ҳам уларнинг салмоқли ҳиссалари бор.

Ўқув муассасалари ва маҳаллаларда ёшларни билимли қилиб тарбиялаш, дунёда содир бўлаятган воқеа-ҳодисалардан хабардор этиш, ҳукумат қарорларини тушунтириш, маънавий онгини юксалтириш, диний билимларини ошириш бўйича суҳбатлар, анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Қилинаятган ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин навбат кутиб турган масала ва вазифалар ҳам кам эмас. Аввало ёшларнинг фаоллигини ошириш зарур, токи улар жамоатчилик ишларида ҳам айниқса маҳаллаларда ободонлаштириш, маҳалла тинчлигини сақлаш каби

юмушларда тенгдошларига ўрнатилган кўрсаткичлар нур устига нур бўлади.

Шундан сўнг туман бўлими назорат-тафтиш комиссияси раиси Баҳодир Пирматовнинг ҳисоботи тингланди. Иккала ҳисобот юзасидан сўзга чиққан Республика «Камолот» ЁИХи Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, туман ҳоқими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Аҳбарова, Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчиси Фароғат Эшбекова, 192- мактаб «Камолот» сардори Муҳиддин Алимбоевлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, келгусида бажарилаядиган юмушлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтдилар. Шундан сўнг делегат-ёшларнинг яқинлик билан берган овозларига кўра Бунёд Йўлдошев «Камолот» ЁИХи Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши раиси лавозимига қайта сайланди.

«Камолот»

**МАҚСАД АНИҚ,
РЕЖАЛАР ПУХТА**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бугунги кунда республика миқёсидаги ишрок ташкилот сифатида шаклланиб, ўз атрофида миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштириш олдига уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ҳаракатнинг бевоқиф бошчилигида ёшларнинг муаммоларини ечиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятини ва иқтидорларини юзасига чиқариш йўлида кўп савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча ана шундай ҳисобот-конференцияси «Камолот» ЁИХи Собир Раҳимов туман бўлими Кенгашида бўлиб ўтди. Энг фаол ёшлардан сайланган 175 нафар делегат, туман ҳоқимлиги, туман халқ таълими бўлими, корхона ва турли жамоат ташкилотлари фаол иштирок этган ушбу анжуман турли тақлиф ва истақларга, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

— Туманимизда ҳозирги кунда 83 та

бошланғич ташкилотлар фаолият юритмоқда, — деди жумладан ўз ҳисоботида «Камолот» ЁИХи Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши раиси Мирзоҳид Якубов. — Уларда 81200 нафар аъзолар бўлиб, 35636 нафари 36 та таълим муассасаларидаги 7-14 ёшгача бўлган болалар ташкилоти аъзоларидир. Ўтган икки ярим йил ичида олдимизга қўйилган мақсад йўлида сафимизни янада тўлдиришга, фаолиятимизнинг мақсад ва вазифаларини барча ёшларга тушунтириб боришга ҳаракат қилиш ва келгусида режаларни ишларимиз ҳам бисёр. Булардан туманда ёшлар боғини ташкил этиш, янги қурилган мавзёлар атрофига спорт майдончаларини қуриб бериш, кам таъминланган оила фарзандларини Интернет хизматидан фойдаланишга ўргатиш кабилардир. Биргаликда ҳаракат қилсак бу ишларни албатта амалга ошираемиз деб ўйлайман.

Шундан сўнг туман бўлими Кенгашининг назорат-тафтиш комиссияси раиси Адолат Муҳиддиновнинг ҳисоботи эшитилди.

Иккала ҳисобот юзасидан музокарада сўзга чиққан делегатлар ва туман ва шаҳар ҳоқимлиги вакиллари эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлиги, уларни ечиш йўлидаги тақлиф ва истақларни баён этдилар. Шу билан бирга «Камолот» ЁИХи Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши ишини қониқарли деб топиш тақлифини киритдилар.

Анжуманда иштирок этаётган қатнашчиларнинг бир овоздан қўллаб-қувватлашларига кўра Мирзоҳид Якубов «Камолот» ЁИХи Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши раиси этиб қайта сайланди. Шунингдек анжуманда туман бўлими Кенгаши назорат-тафтиш комиссияси аъзолари ва Тошкент шаҳар Кенгаши конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

Шаҳноза МАҲМУДОВА

Ўзбек шеъриятининг порлоқ кўёши, газал мулкининг султони, улуғ аллома Алишер Навоий бобомизнинг таваллуд кунлари ҳар йили мамлакатимизда катта байрам сифатида нишонланади. Бу йил ҳам буюк зот таваллуд кунининг 563 йиллиги муносабати билан жойларда мушоира кечалари, турли-туман тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Танловлар

**НАВОЙИХОНЛИК ОЙЛИГИ
ЎТКАЗИЛАДИ**

Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги 45- мактабда бўлиб ўтди. Ушбу муסיқали, илмий-амалий, газаллар, шеърлар, рубоийлар айтишуви билан мушоира кечасига айланган кетган тадбирда мактабнинг барча ўқитувчи ва ўқувчилари, жамоат ташкилоти вакиллари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда ўқувчилар буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий бобомизнинг ҳаёти ва ижоди, инсонларни яхшиликка етакловчи асарлари, шеър ва газаллари ҳақида фахр ва гурур билан сўзладилар, газалларини ёд олиб, чиройли сахна кўринишлари орқали кўрсатиб қатнашчилар олқишига сазовор бўлдилар.

— Мактабимизда улуғ алломанинг таваллуд кунига катта тайёргарлик

кўрилади, — дейди она тили ва адабиёт ўқитувачиси Мунира Набиева. — Февраль ойини Навоийхонлик ойлиги деб эълон қилганмиз. 1 синфдан то 9-синфга қадар ўқувчилар ушбу ойликда фаол иштирок этади. 1, 2, 3, 4-синфларда очиқ тарбиявий соатлар «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Навоий бобом билан фахрланаман», «Бошинга қилич келса ҳам тўғри гапир» каби мавзуларда ўтказилса, 5-9-синфлар ўртасида иншолар танлови, «Навоий бобомиз ҳаммиса қалбимизда», «Газал мулкининг султони» ва деворий гезетлар кўрик-танловлари ташкил этилади. Булардан ташқари синфлараро «Газалхон ёшлигим» кўрик-танлови ўтказилади. Фолибликни кўлга киритган ўқувчилар мактаблараро танловда иштирок этадилар. Уйлаймизки, серқирра ойдой соҳибининг ўлмас,

дурдона асарлари шуурини ўқувчилар онгига сингдиришда ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг ўрни катта.

— Маънавиятли, илмли, жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш учун алломаларимизнинг буюк асарлари, маънавият сарчашмалари билан фақат таваллуд айёмларида эмас, ҳаммиса ўрганишимиз, фойдаланишимиз, ўқувчиларга ҳам етказиб беришимиз лозим, — дейди мактаб директори Мавлуда Алимжонова.

Дилларга ҳузур бағишлаган, куй-қўшиқлар, баҳру байтлар янграган тадбир барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар улкан маънавий озиқ олган бундай кечаларнинг тез-тез ўтказилиб турилишини жуда-жуда истаб қоламиз.

**Шоира
МУҲАМЕДОВА**

**МУСАВВИРЛАР
НИГОҲИДА**

Тошкентдаги Қирғизистон элчихонасида «Ўзбек расмлари Қирғизистон ҳақида» номли савдо-кўргазмаси очилди. Ўзига хос ким ошди савдоси Ўзбекистонда аккредитация қилинган элчилар ҳамда пойтахт жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

—Маъзур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 2004 йили «Меҳр ва мурувват йили» деб аталиши муносабати билан ташкил этилди, — деди Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улугбек Чиналиев кўргазманинг очилиш маросимида. — Шундай эзгу мақсадга қаратилган қатор тадбирлар ўтказишни давом эттириш ниятидими. Мусаввирлар асарлари сотувидан тушган маблагнинг 10 фоизи элчихона томонидан меҳрибонлик уйлари учун «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасига ўтказилади.

Элчининг таъкидлашича, Марат Содиков, Валерий Енин, Ирина Шин каби ижодкорларнинг асарларида тасвирланган Қирғизистоннинг ажойиб ва бетакрор табияти, гўзал, пуверкор тоғларини, таъмоша қилган киши қалбига туганмас завқ шавқ ҳисларини туяди. Бундан буён элчихонада шу каби кўргазмаларни ўтказиш анъана тусига қиради.

—Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида дипломатия муносабатларини ташкил этиш ва Тошкентда Қирғизистон элчихонасини очиб борасида шартнома имзоланганига 11 йил тўлиши маъзур кўргазманинг ташкил этилишига яна бир туртки бўлди, деб таъкидлади элчи. Шартнома 1993 йилнинг 16 февралда имзоланган эди. Ўтган давр мобайнида ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий-инсонпарварлик соҳасида юздан зиёд давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартнома ҳамда битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг аҳил ва биродарликда яшаш истаги икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшади, — деб таъкидлади У.Чиналиев сўзининг якунида.

**Е.ХЛОПОВСКИХ,
«Туркистон-пресс»**

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ УЎТГАНИД
ДОМО БУЛУР...**

Олимлардан Н. Хаддод айтади: — Дўстликнинг муҳим қоидалари — агар бир одам ўзига дўст топишни истаса, шу қоидаларга риоя қилиши лозим:

1). — Ихлос-муҳаббатнинг ҳақиқий таржимони — ихлосдир. Дўстга хайрихоҳ бўлиш, керакли вақтда унинг манфаати йўлида хизмат қилиш бун исобат этади. Муҳаббат ихлосга тескари эмас, аксинча уни қувватлайди, чунки икки дўст орасидаги муҳаббатдан мақсад — бир-бирларига манфаат етказиб ёрдамлашишдир. Агар икки дўстдан биринининг кўнглидан бу мақсад чиқиб кетса, унинг муҳаббати фақат мунофиқлик, риёкорликдан иборат бўлиб қолади.

2). — Хушмуомала — бошқаларнинг кўнглиларини кўтаришдир. Хушмуомаласи туфайли у одам бошқаларнинг қалбларини ўзига жалб этади. Ширинсўз, очиқ юзлик, гўзал ифода, тавозеъ, мулойимлик, тили маъносиз, беҳуда сўзлардан тийишлик ва бошқа гўзал хулқ-атвор билан хушмуомала ҳосил бўлади.

3). — Йўл қўйиш — бу икки дўстнинг ўзаро тортишишларига сабаб бўлган бир нарсадан икковидан бирининг воз кечишини таъмин этиб, душманлашиш ва кўнгли қолдиришнинг олдини олишдир. Кўп вақтда инсон майда-чуйда нарсаларни ҳисоблаб, ўз дўстидан ажралиб қолади.

4). — Яхшилиқни эътироф этиш — бу, дўстнинг дўстга қилган яхшилигини тан олишдир. Дўст дўстга яхшилиқ қилса, мақтанмаслиги, миннат қилмаслиги лозимдир.

5). — Танишиш — бу, дўстлик манзилига олиб борувчи бир йўлдир. Агар бу йўлдан тўғри борма, эгри-бурги қадам қўйилса, ўртада душманлик пайдо бўлади. Бир киши билан танишиб, уни дўстликка қабул қилишда жуда ҳам эҳтиёткорона ҳаракат қилиш керак.

Байт:

**Ким деса айбингни,
султоним дегил,
Бошидан айлан,
негаҳбоним дегил.**

Олимлардан Қуддусий айтади: — Олтиндан қадри, гавҳардан қиммати бир нарса бор бўлса, у ҳам — вақтдир. Вақт бизнинг ҳар турли ишни ишлашга кучимиз етадиган фурсатдир. Бир соатнинг бекор ўтгани — ихтиёримизда бўлган фурсатнинг зоеъ бўлгани демакдир, ҳолбуки, шу фурсат ичида фойдали ишлар ишлашга ихтиёримиз бор эди. Фурсатни ганимат билган одам вақтдан истифода қила олади.

Агар бир одам вақтнинг шариф ва азиз бир нарса эканини тақдир эта олса, ишонингки, у одам умрини роҳат ва фароғатда кечиради. Вақт нақд олтиндир, уни зоеъ этганларни бозорларни айланиб бўлиб қўл билан қайтганлардан фарқлари йўқдир, бунга диққат қилиш керак.

Ҳар куни эрталаб ўзимизга бир ишни тайин этиб, ишларни қандай бажаришимизни фикр қилайлик. Жаҳоннинг ҳозирги ободлиги, инсоният ва маданиятнинг бу қадар тараққийси албатта маърифат эгаларининг битмас-туганмас ғайратлари соясида вужудга келгандир. Шунинг учун бир дақиқа вақтни ўринсиз ва фойдасиз ерга сарф этиш — исрофдир.

Ҳар куни кечкурун бугун кечирган вақтларимизни муҳокама этишимиз, кундалик ишларимизнинг ҳар бирига вақт тайин этиб, шу вақтлардан кечиктирмай ишларимизни бир тартиб-интизом остига олишимиз лозим.

Назм ғишани

ҚАЛАМИМ

Туширасан оққа
беминнат,
Сўзларимга бериб хўп
зийнат.
Ҳаяжондан баъзан
синасан,
Гоҳо шамдай секин
сўнасан.
Такрор униб мисоли гунча,
Шитирлайсан тонгла,
Шодмон бўлсам, шодсан
отгунча.
Сенга аён қувонч,
аламим...

**ЯХШИЛИК
ҚИЛМОҚНИ
КЎЗЛА**

Йўлингда ҳамроҳинг
бўлсин яхшилар,
Бўлсин сафарларинг
доим бехатар.
Дейдилар, либосга
қараб қаршилаб,
Ақлингга муносиб ҳолда
кузатар.
Ҳар қачон сўзласанг,
тўғридан сўзла,
Ёлгонни қуфр бил,
олма тилингга.
Умрингда яхшилиқ
қилмоқни кўзла,
Ҳалолликни олгин
жойлаб дилингга.
Йўлаб бос қадаминг
юрганда,
Замин узра ётар
кўглаб азизлар.

Сукут сақла, ёши улуг
турганда,
Нодонки меъёрни
билмасдан сўзлар.

Сўзингдан чиқса гар
бирор чатоғи,
Дўстинг танбех бера,
душманинг мақтар.
Билгин, насихатнинг
бўлмас адоғи,
Уни сўхбатларнинг
мағзидан ахтар.

ШОИР

У излар, ниманидир излар,
Кўриб қолса гулларни
хидлар.
Ҳатто тиконга ҳам
сукланиб боқар,
Нимадир ўртади,
нимадир ёқар.

У ёзда меҳрини кўшиб,
Баъзан сокин, баъзида
жушиб.
Гоҳо юрар завқидан кўкда,
Баъзан бўзлар
кўёлмай нуқта.

У туради мағрур, эғилмас,
Мол-дунёни назарга
илмас.

У ўтади ўз дунёсидан,
Афсус, тўймай сўз
зиёсидан.

Ажаб, уни топиб ўқирлар,
Қизик-қизик гаплар
тўқирлар...

Аюбхон
МУҲАММАДИЕВ



Ёшлар — келажакимиз.

Бу тадбир БМТ Бош ассамблеясининг 57-сессияси 2004 йилни Халқаро гуруч йили деб қилгани муносабати билан ўтказилмоқда. Унинг мавзуси «Гуруч - бу ҳаёт» деб аталган бўлиб, инсониятнинг барқарор ривожланиши учун мазкур қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улкан аҳамиятини тўлиқ акс эттиради.

Гуручнинг ватани Осиё, аммо ҳозир у 113 мамлакатда етиштирилади ва ер курраси аҳолисининг яримдан кўпроғи учун асосий озиқ-овқат маҳсулотини ҳисобланади. Қарийб 1 миллиард киши уни ишлаб чиқаришда ва у билан боғлиқ фаолият турларида банд. Бу эса уларнинг турмуш сифатини яхшилаш ва иқтисодий-тн ривожлантиришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси БМТ тарихида ўхшаши йўқ ҳолат - бир йилнинг қишлоқ хўжалиги экенига бағишланишини изоҳлайди.

Бироқ, бугунги кунда гуруч ишлаб чиқариш соҳаси жиддий муаммоларга дуч келмоқда, булар -

ўсиш сурьатларининг пасайиши, табиий ресурсларининг қашшоқлашуви ва атроф-муҳитнинг ифлос-

**ГУРУЧ - БЕБАҲО
НЕЪМАТ**

«Гуручдан тайёрланадиган таомлар» - БМТнинг қатор агентликлари, шу жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти тайёрлаб бошлаган тўплам шундай деб аталади. Китобни жорий йилнинг май ойида нашр этиш режалаштирилмоқда. Унга БМТга аъзо мамлакатлардаги гуручдан тайёрланадиган энг мазали таомлар киритилади. Тўпламни тайёрлашда ҳамма, шунингдек, республикамиз аҳолиси ҳам иштирок этиши мумкин. Бунинг учун Женевада чоп этиладиган «UN Special» журнаliga таомни тайёрлаш усули ёзилган мактуб йўллашлари керак.

ланишидир. Шу муносабат билан бу жараёнга илгор, юқори самарали ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Геном тадқиқотлар натижасида олимлар гуруч ДНКси базисини яратди ва бу ҳосилдорлиги, озиқ моддаларга бойлиги, касалликлар ва зараркунандаларга чидамлилиги билан ажралиб турадиган янги навлар-

Маҳалламизда Қундуз буви бўлгучи эди, биз у кишининг қорасини узоқдан кўриб қолгудек бўлсак, олдига чопқиллаб борардик. Ниятимиз салом ҳам эмас, доим чўнтагига солиб юрадиган жийда, туршак, қўрт ва қанд-қурсларда бўларди. Қундуз буви болажон, қўли очиқ кампир эди. Уйига кириб қолсак борми, дарҳол боққа кириб мева-чева кўтариб чиқар ёки ҳовучимизни тўлдириб майиз-туршак тутарди. Албатта у кишининг этаги тўла набира бўлиб, ширинсўз келишлари бор эди.

Ҳаёт сабоқлари

САҲОВАТ ЭШИГИ

Ана шундай саховатпеша эдилар Қундуз бувимиз! Қўшнингнинг келини тўғса ҳам майда-чуйда кўтариб чиқар, жилла қурса чақалоққа ювиб-тараб қуроқ кўрпача тикиб беради. Унинг саҳийлигига ҳамма кўниккан, берган нарсаларини табаррук санаб олишарди. Ҳа, яхшидан яхшилик ёдгор, деганлари рост экан.

Ойим бировга бир бурда нонни раво кўрмайдиганлар бор, десалар ажабланишим. Ундайларни халқда феъли тор кишилар, дейишади. Отамнинг бир ҳикояси сира-сира ёдимдан чиқмайди:

Азим билан Самад деган кимсалар бир йили яйдоқ ерларда деҳқончилик қилишибди. Шундоққина ёнгиналарда қовун-тарвуз экиб, чодир тиккан қўшнларни Қурбонали икковлоннинг қозон бошида қуймаланаётганини кўриб уларнинг ҳузурига меҳмонга келибди. Азим деганлари анчайин қизғанчиқ ва бахилроқ экан. Овқатни солишга уринаётган Самадни тўхтатиб, меҳмон кетгандан сўнг тановул қиламиз,

дебди. Самад аввалига, аччиқланибди-ю кейин ноилож рози бўлибди. Аксига олиб меҳмон ҳам ҳадеганда кетавермабди, чунки у Азимнинг ниятини пайқанган экан-да! Мезбонлар ҳам ноилож очликни энгиб ўтиришаверибди. Вақт алламаҳал бўлгач меҳмон кўзғалибди.

Буни қарангки, очкўзлик-маккорлик, деганларидек қора қозондаги овқат эҳтиётсизлик қилиб олинмаган чўғ туфайли куйиб, еб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолибди. Уларнинг ўзлари қўшнларининг полиз экинларидан бахраманд бўлиб туришар экан-у мезбонликка келганда..

Дунёда саховат деган сўз бор. Унинг эшигини очганларга тангри барака ёғдирар экан. Унинг борлигини ҳис этолмаганлар доим эл-юртдан ажралиб қолавердилар. Меҳмон борки, ўз ризқ-насибаси билан келди. Ана ўша қозонда меҳмоннинг ҳам ризқи бор эди-да?! Бировнинг ризқи бировга буюрмаган. Шундай эмасми?

Нигора
ЖАЛОЛИДИНОВА

ни яратишда қўл келмоқда.

Гуруч Ўзбекистон агросаноат мажмуи бошоқли экинлар етиштириш тузилмасида катта ўрин тутди. У етиштириладиган асосий ҳудудлар Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида - экологик вазият ноҳуш ва сув таъминоти етарли бўлмаган минтақада жойлашган. Мамлакатимиз олимлари ва ишлаб чиқарувчилари гуручнинг янги, шароитимизга мос навларини яратиш, ирригация тизимларини яхшилаш ва сувни кўп бор ишлатиш ҳисобига уни рециркуляция қилиш услубларини

жорий этиш устида мунтазам иш олиб бормоқда. Халқаро гуруч йили доирасидаги ҳамкорлик ҳам Ўзбекистонда шолчиликни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур йил якунланганидан кейин ҳам БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бу ҳамкорликни узоқ муддат давом эттириш ниятида.

Спорт

**ГУРУХЛАР
ФАОЛИЯТ
БОШЛАДИ**

**Миллий кадрятлари-
мизни ўзида акс эттирув-
чи кураш ўзининг борли-
гини, буй-бастини жаҳон-
га кўз-кўз қилаётгани
ҳаммага маълум. Ушбу
спорт турини янада
оммавийлаштириш, ёш-
лар орасидан иқтидорли
полвонларни излаб топиш
мақсадида олий ўқув юр-
тлари, тарта махсус касб-
хунар таълими муассасалари
ҳамда мактаблар
қошида тўғарақлар таш-
кил этилаётганлиги қувонар-
ли ҳолдир.**

Хусусан Тошкент темир йўл муҳандислари институтида икки минг нафардан ортиқ талаба тахсил олаётган бўлса, уларнинг 400 га яқини оммавий спортга жалб этилган. Элиқ нафар талаба эса институт қошидаги «Темирйўлчи» клубида кураш билан мунтазам шуғулланади. Иқтидорли мураббийлардан Олим Хайитов, Фарҳод Бобожоновлар талабаларга кураш сирларини ўргатиб келишмоқда. Айни кунларда Самарқандда ўтадиган «Универсиада» спорт ўйинларига жиддий ҳозирлик кўраётган институт ёшларига «Темирйўлчи» клуби ташаббуси билан кураш ҳакамлиги сирлари ҳам ўргатиладиган бўлди. Институт қошида ёшларни ҳакамликка ўргатиш гуруҳлари фаолият бошлади.

**ОМАД КУЛИБ
БОКАРМИКАН?**

**Профессионал боксда
рейтинг бўйича очколарини
тобора кўтариб бораётган
ҳамюртларимиз Муҳаммадқодир
Абдуллаев, Руслан
Чагаевлар навбатдаги
жангларга қизгин ҳозирлик
кўришмоқда.**

Аввало, Муҳаммадқодир 63,5 килограмм вазнда Германияда навбатдаги рақиб билан 17 февралда кураш олиб борса, энг оғир вазнда рингга кўтариладиган Руслан Чагаев ҳам Германияда айнан шу кунги бокс ишқибозларига ўзининг нималарга қодир эканлигини намойиш этади. Жаҳон чемпионлиги сари босиб ўтладиган манзилни тобора яқин қилувчи ушбу жангларда ҳамюртларимизга омад тилаймиз.

**КИТЪА
ЧЕМПИОНАТИ
ДАВОМ
ЭТМОҚДА**

**Малайзиянинг Куала-
Лумпур шаҳрида ўқ отиш
спортни бўйича Осиё чемпи-
онати баҳслари бўлиб
ўтмоқда.**

Афина шаҳрида ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини Вячеслав Скоромин, Дилшод Мухторов, Иван Шахов, Энвар Османов, Алёна Аксёнова, Юлия Шайховалар ҳимоя қилишмоқда. Ўқ отиш спортининг стэнд тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафида Алексей Ремнёв, Сергей Омесов, Тўлқин Гафоров сингари кучли спортчиларнинг жамланганлиги қувонарли ҳол. Осиё биринчилиги 19 февралгача давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

МАҲАЛЛА МЕНЕЖМЕНТНИ ЎРГАНМОҚДА

Тошкентда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида менежментдан фойдаланишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинар «Маҳалла» жамғармаси, Конрад Аденаур жамғармаси ҳамда «Заковат» ахборот кўмак маркази томонидан ташкил этилди.

—Маҳалла аҳолининг анъанавий турмуш тарзи, жамиятни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга, — деди «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоев. —Бугунги кунда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш жамоаларнинг вакилларида тегишли билим ва кўникмаларни талаб қилади. Бу борада, айниқса ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, кам таъминланган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда, фуқароларни маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг фарб тажрибаси биз учун жуда фойдали.

—Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ислохотлаштиришнинг янги босқичида турибди, — деб қайд этди Ўзбекистон деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюш-

масининг раиси Соҳибжон Қобилов. — Бунда асосий эътибор фермер ҳўжаликларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Бозор муносабатлари етарли билимларни талаб қилмоқда, бугунги семинар фермерлар малакасини оширишга яна бир туртки беради.

Семинарда тингловчилар қишлоқ ҳўжалигида шартнома ҳўқуқларидан фойдаланишнинг ўзинга хос жиҳатлари билан танишдилар, шунингдек, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ва деҳқон ҳўжаликлари соҳаларидаги қонунчиликдаги ўзгаришлар тўғрисида маърузаларни тинглашди. Аграр соҳада баҳоаларни шакллантириш, солиққа тортиш, экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

**А.АРСЛОНОВ,
«Туркистон-пресс»**

Ўзбек Миллий академик театри санъаткорлари ҳамда туман Халқ таълими бўлими вакиллари ҳамкорлигида санъатга ошuftа, нозикқалб, аммо ногирон болаларни молиявий таъминлаш мақсадида хайрия концерти уюштирилди.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Яхшилик қилиш, шикаста кўнгилларга малҳам бўлиш халқимизга хос асосий фазилатлардан ҳисобланади. Қадимий анъаналаримизни давом эттириш мақсадида бир гуруҳ санъаткорлар ишторида концерт дастури ўтказилди. Концертдан тушган маблағлар шахримиздаги Ногирон болалар илмий-тадқиқот бадий жамғармасига йўналтирилади.

—Марказимиз 1999 йилда ташкил қилинган эди,

— деди мазкур ташкилот раҳбари Гулсара Ражабова. — Марказимизга ногирон, етим ва маҳаллалардан санъатга қизиққан болалар келишади. Сабо учун қилинган ушбу тадбир эзгу ишларнинг боши бўлади, деб умид қиламиз. Зеро, ўсик қалбларга меҳр улашиш ҳар бир одамнинг инсоний бурчидир.

**И. ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»**



Мирзо Улугбек туманида фаолият бошлаган «Умид» болалар спорт мажмуида ёшларимизнинг соғлиқларини тиклашлари ва спорт билан шуғулланишлари учун мана шундай шарт-шароитлар яратилган. Сергей Любич олган суратлар.

Наботой омаида

**ПОШШОЙИМ
ПОМИДОР**

**Кўркам табиатнинг серҳосил ўсимлик-
лари орасида помидорнинг ажабтовор
кўринишига эга намуналари ҳам учраб ту-
радики, уни кўрган ёхўд эшитган киши
ҳайратдан ёқа ушлаши мумкин.**

Вақти-вақти билан помидор тансиқлиги, татимлиги билан иштахангини кўзгайди. Рисоладагидек помидорлар одатда катталиги нақшин олмадек, нари борса, икки юзталик лампочкадек келар. Табиат ошuftаси Т.Суллаймоновнинг маълумотларига қараганда, Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги «Средаземинвод» геология-қидирув бирлашмасининг Ҳўжа Аҳмадвали участкасининг хизматчилари бир вақтлари ташландиқ жойларни ўзлаштириб, ҳар хил турдаги сазбавот ва резавор ўсимликлар экишган эди. Экспедиция машинисти Абдухалил Муталимов етиштирган помидорларнинг ичида улкан резавор узиб олинган. Жуда қиёмига етиб пишган, катталиги деқкадек келадиган помидор намунаси тортиб кўрилганда, унинг вазни 2 килограмм 410 грамм тошни босганлиги тарихий

лаваҳа. Ушбу помидор ўз вақтида тегишли қонда билан ҳужжатлаштирилганида эди, сўзсиз «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилган бўлур эди.

**КАРАММИСАН,
КАРАМ**

**Маълумотларда келтирилишича, бир
вақтлар Жамбул вилоятидаги Трубицин
номидаги мактаб ўқувчиларига Жданов
номили жамоа ҳўжалиги деҳқончилик учун
маълум майдон ерни ажратиб берган эди.
Мазкур етти гектар майдонга оқ бош
карам экиб, ҳам деганда минг центнер
ҳосил етиштириб топириш лозим
бўлган. Мактаб ўқувчилари маъсулйатли
топириқни бажариш учун астойдил тер
тўкиб меҳнат қилишади.**

Яганалаш, тупроққа ишлов бериш, чопиқ қилиш, ўғитлаш, сўғориш ишлари юқори савияда олиб борилади.

Сидқидилдан қилинган меҳнат ижобий натижасини кўрсатади. Ўқувчилар даласида карам ҳосили мўл ва йирик-йирик бўлади. Етиштирилган ҳар бир карам 15-20 килограмм келган бўлса, уларнинг ичида энг каттаси 26 ки-

лограмм тош босиб, барчани ховлиқтириб қўйган. Бундай хомчўт қилинадиган бўлса, биргина бу карамдан икки юз нафар кишига хушхўр карам шўрва тайёрлаш мумкин.

ДОНАСИ ЕЛКАГА ЮК

**Бразилиянинг Санта Катарина штати-
да яшовчи деҳқон Сержио Трамужас ки-
шини ҳайратга соладиган улкан бодринг
етиштиришга мушарраф бўлган. У оғир-
лиги 30 килограмм, узунлиги одми об-
кашдек келадиган 1 метр 32 сантиметр-
лик бодрингнинг ўзи зироатчилик билан
шуғулланган поллиз пуштагидан узди.**

Дала ошuftаси Трамужас ўзига тегишли дала майдонларида бунга қадар ҳам салмоқли ҳосил етиштирар эди. Бирок бундай мўжиза, ҳайбатли бодринг етиштириш тарихда бўлмаган. Шунга айтиш керакки, деҳқон экинларини парваришда одатдан ташқари озука ўғитлардан фойдаланмаган. Бахайбат бодринг маҳаллий университет биологларнинг тафсирига ҳавола қилинган. Мутахассисларнинг фикрича, Трамужас поллиздаги ўсимликлар мазкур музозфотдаги ерлар юқори радиоактив кучланиши таъсирида бўлган. Олимларнинг таҳминига кўра, мазкур ерларда уран маъдани кони бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

**Маннон НАБИЕВ
тайёрлаган**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари тахририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95



Кўнгилаш учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди — «Пойтахт-Информ».



**Бош муҳаррир
Акmal AKROMOV**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқо офсет усулида босилади.
5576 нускада босилади. Қорғоз бегим А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсатиғи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиш шарт эмас.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрий-нотбо ақшадорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41-уй.